

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
«ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

УЛМАСОВ ТУЛКУН УСМАНОВИЧ

**ПОЛИМЕРЛАР ВА ОРГАНОМИНЕРАЛ ТЎЛДИРУВЧИЛАРИНИ
АРАЛАШТИРИШ ҲАМДА МАШИНАСОЗЛИК УЧУН КЎП
ФУНКЦИЯЛИ КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА
АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

**02.00.07 - Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Радиоактив камёб ва нодир элементлар технологияси (материалшунослик ва
машинасозлик йўналишлари; техника фанлари бўйича)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)****Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)****Улмасов Тулкун Усманович**

Полимерлар ва органоминарал тўлдирувчиларини аралаштириш ҳамда машинасозлик учун кўп функцияли композицион материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асослари..... **5**

Улмасов Тулкун Усманович

Теоретические и практические основы разработки технологии для смешения полимеров и органоминаральных наполнителей и получение многофункциональных композиционных материалов машиностроительного назначения **23**

Ulmasov Tulkun Usmanovich

Theoretical and practical foundations for the development of technology for mixing polymers and organomineral fillers and obtaining multifunctional composite materials for machine-building purposes..... **47**

Эълон қилинган ишлар рўйхати..... 50

Список опубликованных работ..... 50

List of published works..... 50

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
«ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

УЛМАСОВ ТУЛКУН УСМАНОВИЧ

**ПОЛИМЕРЛАР ВА ОРГАНОМИНЕРАЛ ТЎЛДИРУВЧИЛАРИНИ
АРАЛАШТИРИШ ҲАМДА МАШИНАСОЗЛИК УЧУН КЎП
ФУНКЦИЯЛИ КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА
АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

02.00.07 - Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Радиоактив камёб ва нодир элементлар технологияси (материалшунослик ва
машинасозлик йўналишлари; техника фанлари бўйича)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/T_____ рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУКда бажарилган.

Диссертация автореферати 3 тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида www.gupft.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz да жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Негматов Сайибжон Садикович
техника фанлари доктори, профессор, ЎзРА академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

Абед Нодири Сойибжоновна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рискулов Алимжон Аҳмаджонович
техника фанлари доктори, профессор

Негматова Комила Сайибжановна
техника фанлари доктори, профессор

Баракаев Нусратилла Ражабович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019. К/Т03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» ноябр соат ___ даги мажлисида онлайн тарзида бўлиб ўтади. (Манзил. 100174. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мирзо-Ғолиб кўчаси, 7а уй. Тел.: (+99871)246-39-28. факс. (+99871)227-12-73, e-mail: fan_va_taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (22-рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100174. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мирзо-Ғолиб кўчаси, 7а уй. Тел. (71) 246-39-28. Факс. (71) 227-12-73.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» ноябр куни тарқатилди.
(2021 йил --ноябр №-- рақамли реестр баённомаси)

А.В. Умаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, т.ф.д., профессор

М.Э. Икратова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

А.М. Эминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фан доктори диссертацияси аннотацияси (DSc))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда сочилувчан материалларни аралаштириш нафақат кимё соҳасида, балки бошқа соҳаларда, шунингдек кундалик ҳаётда ҳам қўлланиладиган энг кенг тарқалган механик жараёндр. Органик-минерал таркибий қисмлар ҳамда кукун ва ёпишқоқ оқувчан полимерлар асосида, аралаштириш орқали бир ҳил таркибли аралашмалар тайёрлаш масаласини ечиш натижасида ҳосил бўладиган композициянинг сифати, унумдорлиги, энергия, металл сарфи ва аралаштиргичларнинг самарадорлиги билан боғлиқлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳонда бир ҳил таркибли (гомоген) аралашмани олишнинг асосий мезони бўлган сочилувчан ва ёпишқоқ оқувчан материалларни аралаштириш технологиясини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, юқори физик-механик, ишқаланиш-ейилишга чидамлик ҳамда узоқ муддат яроқлилик хусусиятларга эга бўлган композицион полимер материаллар, тебраниш ва ишқаланиш шароитида ишлатиладиган машинасозлик конструкцияларининг эҳтиёт қисмлари ва қопламаларни олишда ишлатиладиган полимерлар ва органоминерал тўлдирувчилардан иборат композицион материалларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда машинасозлик учун самарали қурилмаларни ишлаб чиқишда полимерлар ва органоминерал тўлдирувчиларини аралаштириш ҳамда машинасозлик учун кўп функцияли композицион материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асосларини тадқиқ қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегиясининг тўртинчи йўналишининг тўртинчи бандида «...Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмлари...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, кукунсимон, ёпишқоқ оқувчан полимерлар ва сочилувчан органоминерал тўлдирувчи моддаларига асосланган гомоген аралашмаларни олиш учун замонавий талабларга жавоб берадиган ва шу асосда юқори физик-механик, ишқаланиш-ейилишга чидамли ва юқори функционал хусусиятларга эга композицион полимер материалларни олиш имконини берадиган қурилмалар, янги технологиялар ҳамда аппаратлар конструкцияларини яратиш ва ишлаб чиқишга имкон берувчи тадқиқотларни ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологиясини ривожлантириш VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи²
Дунёнинг илмий марказлари ва олий ўқув юртларида композицион полимер материаллар ва улар асосида қопламалар яратиш бўйича бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, шу жумладан, Istanbul Technical University (Туркия), Technische Universitat Munchen (Германия), Slovak University of Technology (Словакия), Chonnam National University (Корея), Ebonyi State University (Нигерия), Indian School of Mines (Ҳиндистон), Yunnan University (Хитой), Southwest Petroleum University (Хитой), Латвия ФА сининг Полимерлар механикаси институти, Ломоносов номидаги Москва давлат университети, РФА сининг Н.С. Эниколопов номидаги синтетик полимер материаллар илмий-тадқиқот институти, РФА сининг Семенов номидаги Кимё физикаси институти, Қозон давлат технология университети (Россия), Беларусия МФА сининг В.А. Белог номидаги Металлополимер тизимлар механикаси институти, Беларусия МФА сининг Янги материаллар кимёси институти, Беларус давлат технология университети, ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Тошкент кимё технология институти, И.Каримов номли Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда иккиламчи хомашёларидан композицион полимер материаллар ишлаб чиқариш ва амалиётда қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан, целлюлоза сақловчи иккиламчи хомашёлардан ёғоч-қириндили плиталар ишлаб чиқиш технологияси яратилган (Латвия ФА Ёғоч кимёси Институти, Москва ўрмон хўжалиги институти, Россия); композицион полимер материаллар ва қопламалар бўйича (Chonnam National University, Жанубий Корея); органик моддаларни аниқлаш ва ажратиш олиш усуллари аниқланган (Indian School of Mines, Ҳиндистон); иккиламчи маҳсулотлардан композицион полимер материаллар ишлаб чиқариш усуллари такомиллаштирилган (Ebonyi State University, Нигерия).

Дунёда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, иккиламчи ресурслар ва полимер боғловчилар асосида композицион полимер материалларни ишлаб чиқаришнинг самарали композициялари ва технологиясини ишлаб чиқиш: тузилиш, фракция таркибининг тури ва микдорининг таъсирини аниқлаш органоминерал

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи:
<https://www.researchgate.net/publication/24238348>, <https://www.academia.edu/7655786>,
<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC2635672>, <https://www.academia.edu/4411418>, <https://doi.org/10.1002/app.27592> ва бошқа ресурслар.

тўлдирувчи моддалари ва уларнинг аралашмаларининг физик-механик, функционал хусусиятлари бўйича, замонавий саноат талабларига жавоб берадиган машинасозлик ва бошқа соҳаларда кенг қўлланиладиган, ейилишга чидамли, тебранишни ютувчи ва коррозиябардош композицион полимер материаллар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш.

Муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси. Полимерли ва полимер композицион материалларнинг ривожланишига А. Hayashi, С. S. Hulemand, R. Morgen, A. D'Amore, G. Akovali, С.Н. Журков, В.В. Коршак, Н.С. Ениколопов, А.А. Берлин, А.Д. Яковлев, В.А. Белый, С.С. Негматов, М.А. Аскарров, С.Ш. Рашидова, М.С. Акутин, Ю.С. Липатов, К.С. Негматова ва бошқа олимлар муайян ҳисса қўшганлар. Сочилувчан ва кукунли материалларни аралаштириш ва кўп функцияли композицион ва полимер материалларини тайёрлаш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш технологияси ва қурилмасини ишлаб чиқишда эса А. Кумар, М.М. Перлман, Б. Аркас, С. Герасарис, Р. Гудҳие, Ю.И. Гусев, В.В. Кафаров, И.Н. Дорохов, Д.М. Бородулин, А.Д.Яковлев, Л.А. Воидкова, А.Х.Юсупбеков, А.В. Струк, В.П. Соломко, А.А. Рисқулов, А.С. Ибодуллаев, Н.С. Абед, Г. Гулямов, Ю.И. Макаров, Ф. Беррути, ДМ Бородулин, С. Харвуд, И. А. Бакин, Ю. Д. Видинеев, Д. И. Менделеев, А. И. Зайтсев, Д. В. Сухоруков, Г.Г. Саломатин, А.М. Ластовтсев, И.М.Плеханов, Н.Ю.Ташланов ва бошқа кўплаб олимлар ўзларининг муайян хиссаларини қўшганлар.

Мавжуд ишларнинг таҳлили кўра, композицион материалларни ишлаб чиқишда кукун, ёпишқоқ оқувчан ва сочилувчан материаллар ҳамда уларнинг аралашмаларини қўллаш, шунингдек, «сочилувчанлик» ва «ёпишқоқ оқувчанлик» ҳодисаси етарли даражада ўрганилмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунга кўра, сочилувчан ва ёпишқоқ оқувчан материалларни аралаштириш жараёнини математик тавсифлаш ва башорат қилишга имкон берадиган универсал боғлиқликни топиш ҳам муаммолидир. Шунингдек, органоминарал сочилувчан ва ёпишқоқ оқувчан материалларни аралаштирувчи қурилмаларнинг берилган унумдорлиги бўйича барча конструктив параметрларини (барабаннинг айланиш тезлиги ва энергия сарфини) ҳисоблаб чиқиш имкониятини берадиган тенгламаларни олиш мақсадида, турли хил реологик хусусиятларга эга бўлган органик ва ноорганик кукунли аралашмаларни гомоген аралаштириш учун назарий ўрганиш ўтказиш керак. Мазкур диссертация иши ушбу муаммони ҳал қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоди Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат Техника Университетининг «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-12-96 «Органик ва ноорганик жисмли ва кукунларни аралаштириш технологияси ва қурилмаларини ишлаб чиқиш» юқори кучли ва кўп функцияли композицион материаллар ва улардан тайёрланадиган буюмлар учун материаллар» (2015-2017 йй.), №ППИ-А-12-95 «Тола (хом пахта) билан ўзаро таъсир қилувчи кристалланиш полимерлари

асосида ишқаланиш-ейилишга чидамли нанокомпозитларни ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.), №ПЗ-20170927401 «Металл-полимер-композит-толали материаллар билан ўзаро боғлиқликда ишлайдиган, машинасозлик учун ишқаланиш-ейилишга чидамли, антистатик-иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятларига эга, олдиндан белгиланган композицион металл-полимер материалларни ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва халқаро лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полимерлар ва органоминерал тўлдирувчиларини аралаштириш ҳамда машинасозлик учун кўп функцияли композицион материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асосларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кукун ва ёпишқоқ оқувчан органоминерал ингредиентларни аралаштириш жараёнининг ҳозирги ҳолатини ва улар асосида машинасозлик композицион материаллари ҳамда улардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун бир ҳил таркибни олиш қурилмасини ўрганиш;

машинасозликда бир ҳил таркибли композиция ва композицион полимер материалларни олиш учун узлуксиз ишловчи қурилманинг оптимал геометрик ва иш параметрларини аниқлашга имкон берадиган, оқувчан органоминерал ингредиентлар ва кукун полимер материалларни аралаштириш технологиясини назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

маҳаллий хом ашё асосида сочилувчан кукун ва ёпишқоқ оқувчан полимерлар, сочилувчан органоминерал ингредиентларни аралаштириш ҳамда композицион полимер материалларидан бир ҳил композиция олиш қурилмасини яратиш технологиясини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;

машинасозликда композицион полимер материалларни олиш учун ёпишқоқ оқувчан полимер ва органоминерал тўлдирувчи моддаларини аралаштириш жараёнининг оптимал технологик режимларини аниқлаш ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

органоминерал таркибий қисмларга эга бўлган сочилувчан, ёпишқоқ оқувчан ва кукунли полимерлардан бир ҳил композиция олиш ва улар асосида машинасозлик мақсадлари учун композицион полимер материаллари олиш технологиясини ўрганиш;

маҳаллий хомашёлардан сочилувчан, кукун ва ёпишқоқ оқувчан полимерлар ва органоминерал тўлдирувчи моддаларини аралаштириш ва машинасозлик мақсадларида кўп функцияли композицион полимер материаллар, қопламалар ва деталлар олиш учун ишлаб чиқилган технология ва қурилманинг амалий ва иқтисодий жиҳатларини аниқлаш;

ишлаб чиқариш шароитида тажриба ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ва кўп функцияли композицион полимер материаллардан фойдаланиш ва техник-иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида органик ва ноорганик келиб чиқишга эга бўлган сочилувчан – кукунли ингредиентлар: курум, графит, талк, каолин, толали шиша, пахта толаси, цемент, волстонит ва юқори зичликка эга

полиэтилен ва полипропилен асосида олинган полимер боғловчилар, шунингдек, улар таркиби асосидаги композицион полимер материаллар: АПЭК-1, АПЭК-2, АППК-1, АППК-2, АИПЕК-1, АИПЭК-2, АИППК-1 ва АИППК², шунингдек ЭД-16 олигомеридан ташкил топган АИЭД-16, дибутилфталат, полиэтиленполиамин, графит, шиша тола ва тальк ҳисобланади. Тадқиқот объектига қарши жисм сифатида намлиги 8-10% ва ифлосланиши 1,0-3,0% бўлган биринчи навли пахта хомашёси олинган.

Тадқиқотнинг предмети органоминерал ингредиентлар билан тўлдирилган сочилувчан композицион полимер материалларнинг гомоген таркибини ўзлаштириш ва олиш мақсадида, сочилувчан кукунли органоминерал ингредиентларни аралаштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва ускунасини яратиш ва мақбул технологик режимларни аниқлаш ҳисобланади.

Кукунли, ёпишқоқ оқувчан полимерларни органоминерал ингредиентлар билан аралаштириш ва машинасозлик мақсадларида кўп функцияли композицион полимер материаллар ва қопламалар олиш технологияси ёрдамида олинган композицион полимер материалларнинг физик-механик, тебраниш-товуш ютувчи, антифрицион ва триботехник хусусиятларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда ИҚ - спектроскопия, рентген фаза таҳлил, дифференциал-термик таҳлил ҳамда олигомерларнинг, пластификаторларнинг, қотирувчиларнинг, полимерларнинг ва композицияларнинг физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини аниқлашда умумий стандарт усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вақти-вақти билан аралаштириш усулига муқобил бўлган сочилувчан материалларни аралаштириш учун узлуксиз аралаштириш қурилмаси кинематик схемасининг оптимал вариантыга асосланган ва ишлаб чиқилган бўлиб, бу аралаштириш қурилмасининг ишчи юзасида айланиш тезлигининг босқичма-босқич ўзгариши кўрсатилган ҳамда бир вақтнинг ўзида композицион полимер материалларнинг дисперсияси ва оқиш хусусиятига, аралаштириш жараёни интенсивлиги барабани тўлдириш даражасига ва қайтарилувчан аралаштириш қурилмаси бурилиш бурчаги секторига боғлиқлигига қараб, ҳосил бўлган аралашманинг хоссалари аниқланган;

назарий тадқиқотлар натижаларига ва кинематик схеманинг аниқланган оптимал вариантыга асосланиб, янги технология ишлаб чиқилган ҳамда кукун, ёпишқоқ органоминерал тўлдирувчи моддалари ва оқувчан полимерлар асосида, бир ҳил композицияларни олиш имконини берадиган, кукунли полимер ва сочилувчан органоминерал ингредиентларни қайтарувчи аралаштириш учун оригинал қурилма яратилган;

ишлаб чиқилган технология бўйича ва шунга мос равишда тескари узлуксиз ишловчи яратилган қурилмани ўрнатиш орқали кукун, ёпишқоқ

² Абед Н.С. Дис. «Самарали конструкторон композицион полимер материалларни яратиш ва улардан пахта қайта ишлаш машиналари деталларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш», 2014й. 205 б.

оқувчан полимер материаллар ва сочилувчан органоминарал тўлдирувчи моддаларини аралаштириш орқали композицион полимер материалларнинг физик-механик, тебраниш-товушни ютувчи, антифрикцион-ейилишга чидамлилиқ хусусиятларини ошириш имкониятлари илмий асосланган ва амалда аниқланган.

ишлаб чиқилган технология бўйича ва яратилган тескари аралаштириш қурилмасида полимерлар ва органоминарал тўлдирувчи моддалари аралашмасидан олинган композицион материалларнинг физик-механик, триботехник, вибрация-товушни ютувчи ва антифрикцион хусусиятлари 1,5-1,8 баробар ошганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гомоген таркиб олиш мақсадида полимер материаллар ва органоминарал тўлдирувчиларни реверсив аралаштиришнинг самарали усули ишлаб чиқилган ва узлуксиз ҳаракатланувчи реверсив аралаштириш мосламасининг асл параметрлари ва конструкциялари аниқланган;

гомоген таркиб олиш имкониятини берадиган полимер материаллар ва органоминарал тўлдирувчиларни реверсив аралаштириш мосламасининг узлуксиз ҳаракатланувчи қурилмаси ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг оптимал иш режими белгиланган, бу эса улар асосида машинасозлик учун юқори физик-механик, антифрикцион-ейилишбардош, вибрация-товушни ютувчи, коррозиябардошлиқ хусусиятларига эга бўлган композицион полимер материаллари олинган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги назарий натижаларни доимий ишлайдиган ускунада сочилувчан полимер материаллар ва органоминарал тўлдирувчиларни реверсив аралаштириш натижасида олинган тажриба маълумотлари билан таққослаш орқали олинган натижаларнинг ишончлилигини қиёсий назорат қилиш билан асосланиб, композицияларнинг физик-кимёвий, физик-механик ва триботехник тадқиқот усулларидадан фойдаланишнинг комбинацияси билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полимер материаллар ва органоминарал тўлдирувчилар асосида олинган композит аралашмаларнинг гомогенлиги сифатига таркибий омиллар ва технологик режимларнинг таъсири қонуниятларини ўрнатиш орқали шнекли ишчи органнинг оптимал параметрларини назарий жиҳатдан асослаб бериш ва юқори сифатли аралаштириш ва гомоген аралашмаларни олиш имконини берадиган қурилма яратиш ва улар асосида юқори физик-механик, антифрикцион-ейилишбардош, вибрация-товушни ютувчи, коррозиябардошлиқ ва трибологик хусусиятларга эга бўлган композицион полимер материалларни олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қуйи органоминарал ингредиентларни ва полимер материалларни аралаштириш, юқори сифатли гомоген сочилувчан қуйма аралашмалар олиш жараёнини жадаллаштиришдан иборат бўлиб, улар пахтани қайта ишлаш саноати машина ва механизмлари ишчи органларида ишлатиш учун пахта хомашёси билан фрикцион боғлиқликда ишлайдиган юқори физик-механик ва антифрикцион

ейилишбардош хусусиятларга эга бўлган ишқаланиш ва тебраниш шароитида ишлайдиган пахта тозалаш машиналари ва механизмларининг ишчи органларида, пахтани қайта ишлаш ва ёғ-мой саноатида фойдаланиш учун композицион полимер материалларни олиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Полимерлар ва органоминерал тўлдирувчиларини аралаштириш ҳамда машинасозлик учун кўп функцияли композицион материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ишлаб чиқилган антифрикцион ва антифрикцион-ейилишбардош композицион материаллар ва улар асосидаги қопламалар Пискент пахта тозалаш заводида тозаловчи ва вентиляторларнинг ишчи органларида, жин ва линтер корпуслари сирт юзасида қоплама сифатида жорий этилган («PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI» АЖнинг 2021 йил 4 ноябрдаги 02-11/483-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқариш биноларида шовқин даражасини 7-24 дБ га пасайтириш, пахта машиналари ва механизмларининг иш унумдорлиги 7-14% га ошди, ҳаражатлар ва қувват сарфи 7-12%га, уруғларнинг майдаланиши 0,18-0,36% га, пахта толасининг шикастланиши 0,5-0,7%га камайтириш имконини берган;

ишлаб чиқилган кўп функционалли композицион қопламалар Пискент пахта тозалаш заводида чанг ютувчи гарнитуралар ва тишли тозалагичларда пахта толасини чиқиндилардан тозалаш жин ва линтер корпуслари сирт юзасида жорий этилган («PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI» АЖнинг 2021 йил 4 ноябрдаги 02-11/483-сон маълумотномаси). Натижада, тозалаш жараёнида пахта толасини механик шикастланиш ва чанг ютувчи гарнитураларнинг хизмат қилиш муддатини ошириш орқали чанг миқдорини 50% га камайтириш имконини берган;

кўп функционалли композицион полимер материаллар ва улар асосидаги деталлар Пискент пахта тозалаш заводида жорий этилган («PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI» АЖнинг 2021 йил 4 ноябрдаги 02-11/483-сон маълумотномаси). Натижада, Пискент пахта тозалаш заводининг иқтисодий самарадорлигини 483,0 млн. сўмга ошириш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та республика ва 4 та халқаро конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан 18 та илмий мақола, шу жумладан, 12 та мақола республика миқёсида ва 6 та мақола докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 186 саҳифада баён этилган бўлиб, у кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалга оширилганлиги, ишларни синовдан ўтказиш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кукун ва ёпишқоқ оқувчан органик-минерал ингредиентларни аралаштириш жараёнининг ҳозирги ҳолати ва машинасозликда композицион материаллар ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун бир хил композицияни олиш қурилмаси»** деб номланган биринчи бобида органик ва ноорганик маҳаллий хомашёлар асосида кукунли органоминерал ингредиентларни аралаштириш учун технологик жараёнлар ва мавжуд замонавий қурилмаларнинг адабий манбаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, органоминерал сочилувчан материалларни аралаштириш учун доимий ишлайдиган қурилманинг оптимал усули ва схемасини асослаш ва танлаш ҳамда улар асосида машинасозик мақсадлари учун композит материаллар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган гомоген композиция олиш учун узлуксиз ҳаракатланувчи мослама схемаси ва оптимал усулини асослаш ва танлаш ишлари амалга оширилган.

Адабий манбаларни ўрганишни таҳлил қилиб, мавжуд усуллар ва қурилмалар сочилувчан полимерлар ва органоминерал тўлдирувчиларни бир вақтнинг ўзида аралаштириш, тарқатиш ва таркиби бир хил ҳолга келтириш, композит полимер материаллар ва муҳандислик қисмларини ишлаб чиқариш учун чанг аралашмаларини ишлаб чиқаришни тўлиқ таъминламаслиги аниқланди. Мазкур иш диссертациянинг мақсадини белгилаб берадиган вазифаларни ҳал қилишга бағишланган.

Диссертациянинг **«Гомоген композиция олиш учун узлуксиз ишлайдиган қурилманинг оптимал геометрик ва режим параметрларини аниқлаш учун сочилувчан кукунли органоминерал ингредиентларни аралаштириш жараёни технологиясининг назарий ва экспериментал тадқиқотлари»** деб номланган иккинчи бобида аралаштириш қурилмасининг қувватини, унумдорлигини ва геометрик параметрларини аниқлаш мақсадида сочилувчан материалларни реверсив аралаштириш жараёнининг назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари, шунингдек аралаштириш қурилмасининг геометрик параметрларини экспериментал ўрганиш ва назарий ҳисоб-китоблар билан аниқланган натижалар билан таққослаш натижалари баён этилган.

Биринчи навбатда, аралаштириш қурилмасининг қувватини, унумдорлигини ва геометрик параметрларини аниқлаш бўйича назарий

тадқиқотлар ўтказилди. Бунда, назарий жиҳатдан ҳисоблаш орқали, унумдорликни аниқлаш формуласидан фойдаланилди:

$$Q = 60n\varphi\pi R^2 \frac{2\pi}{\Theta} \Delta,$$

бу ерда Θ - сегмент бурчаги, рад n – шнекли валнинг айланишлари сони, айл/дак; R - барабаннинг радиуси, м; φ - барабанни тўлдириш даражаси, %, Δ - материалнинг айланиш йўлининг умумий узунлиги винтли валнинг бир марта айланишида, мм.

$$\Delta = \frac{Q\Theta \cdot 1000}{120\pi^2 R^2 \varphi n}.$$

K -аралаштиришнинг жадаллиги қўйидаги формула билан аниқланди:

$$K = \frac{\sin^3 \frac{\Theta}{2}}{\varphi}. \text{ Аралаштириш барабанининг узунлиги } L = \frac{\tau_{\text{ср}} 4Q}{D^2 \pi \varphi} \text{ формуласи}$$

бўйича ҳисобланади, бу эрда D - аралаштириш барабанининг диаметри, $\tau_{\text{ср}}$ - материалнинг аралаштиргичдаги яшаш вақти.

Аралаштиргувчи барабанни шнекли валининг олдинга силжитиш паррагининг қадами (S) ўлчамлари қуйидагича бўлади: $S = \frac{2\pi\Delta}{\Theta}$.

Сочилувчан материални аралаштириш учун сарфланган қувват қуйидаги муносабатлар билан белгиланади:

$$N = 6847 * 10^{-7} R^3 L \gamma_T n \sin^3 \frac{\Theta}{2} \sin \beta,$$

бу ерда: γ - қуйма материалларнинг солиштирма оғирлиги г / см³, β - материал табиий қиялигининг бурчаги, аралаштиргичдаги материалнинг ўртача яшаш вақти қуйидаги формула билан аниқланди:


$$\tau_{\text{ср}} = \frac{\pi D^2 L \varphi}{4 Q}.$$

Белгиланган формуладан фойдаланиб, биз ҳисоблаш йўли билан қайтариладиган реверсив аралаштириш қурилмасининг унумдорлигини ҳисобладик: $Q = 0,4$ м³/с; шнекли валнинг айланиш сони $n=100,75$ ва 50 айланиш/мин., барабанни тўлдириш коэффициенти $\varphi = 0.28-0,38$; пичоқларнинг олдинга сурилиш қадами $S_1=85$ мм; орқага қайтиш паррақларининг қадами $S_2=65$ мм; барабан диаметри $D=0.16$ м; барабан узунлиги $L=2,2$ м; сегмент бурчаги $\Theta=130^\circ$, ёки 2.2689 рад.

Экспериментал тадқиқот қуйидагича ўтказилди. Тайёрланган паррақлар валнинг айланиш ўқиға перпендикуляр бўлган текисликка нисбатан 5° , 10° , 15° , 20° , 25° , 30° бурчак остида ўрнатилди ва буриб қўйилди. Бунда, $P_{\text{ет}}$ қувватнинг илгари силжитадиган паррақлари сонига Z ва шу паррақнинг қиялик бурчагининг μ 1 га боғлиқлиги ўрганилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, паррақларнинг олдинга силжишлар сонини $Z=15$, паррақларнинг қиялик бурчаги $\mu=30^\circ$, қайтарувчи паррақларнинг сони $Z_2=13$, ва $\mu_2=10^\circ$ бурчаклар қабул қилинди.

1-расмда аралаштириш жадаллигининг аралаштириш вақтига ва аралаштириш шнекли қурилмасининг ҳар хил даражадаги тўлдириш даражасига боғлиқлигини ўрганиш натижалари кўрсатилган.






1 – расм. Аралаштириш жадаллигини аралаштириш вақтига (t) ва шнекли аралаштиргич қурилмада турли микдордаги арлашмани тўлдириш (ϕ) даражасига боғлиқлиги

1-расмдан кўриниб турибдики, K қанча кўп бўлса, бир хил даражадаги аралаштиришнинг эришишига шунча кам вақт керак бўлади, тўлдириш даражаси ϕ қанча кўп бўлса, аралаштириш шунча кўп вақтни олади ва шунга кўра аралаштириш самарадорлиги монотон равишда маълум вақтгача пасаяди, кейин аралаштириш интенсивлиги доимий бўлиб қолади.

Аралаштириш вақти аралаштириш қурилмасининг таъсир кўрсатиш интенсивлигининг мезони бўлиб хизмат қилади. Технологик нуқтаи назардан, аралаштириш (гомогенлаш) вақти деганда аралашмалар гомогенлигининг юқори даражасига эришиш учун зарур бўлган давр тушунилиши керак.

2-расмда қурилма унумдорлигининг (a) ва аралаштириш интенсивлигининг (K) қурилманинг вал-шнекнинг айланмалар сонига ва аралаштириш интенсивлигига (K), тўлдириш даражасига (ϕ) ва барабаннинг диаметрига (d) (b), илгари (μ_1) ва тескари (μ_2) (v) силжитадиган парраklarининг қиялик бурчагига боғлиқлигини ўрганиш натижалари кўрсатилган. 2-расмдан кўриниб турибдики, қурилма айланишлари сонининг ортиши билан 25 айл/дақ. дан 125 айл/дақ. гача унумдорликнинг 0,05 дан 0,6 м³/с.гача ўсиши кузатилмоқда ва айланишлар сонининг кўпайиши билан аралаштириш интенсивлигининг 82% дан 15% гача пасайиши кузатилмоқда. Керакли унумдорликни олиш мақсадида қўшимча тадқиқотлардан олинган натижаларни ҳисобга олган ҳолда, қурилманинг айланишлари сони 70-75 н мин⁻¹ қилиб қабул қилинади. 2б-расмдаги эгри чизиклардан кўриниб турибдики, барабаннинг диаметри ошиши билан тўлдириш даражаси ҳам ошади ва тегишинча, самарадорлик ҳам ошади, аралаштириш интенсивлиги эса пасаяди. Ушбу шартни ҳисобга олган ҳолда, барабаннинг зарур диаметри 150-200 мм қилиб қабул қилинди.

2в-расмдаги эгри чизиклардан кўриниб турибдики, аралаштириш қурилмасининг олдинга силжиш шнеки парраklarининг қиялик бурчагининг ошиши билан, максимал 30° дан юқори экстремал тавсиф кузатилади. Бунда, қурилма 0,4 м³/соат тезликда оптимал самарадорликка эга бўлди. Тескари силжиш бурчаги ҳолатида эса, мураккаб тавсиф аввал минималдан ўтиб, кейин максимал орқали ўтади. Шунингдек тескари силжишнинг қиялик бурчаги 10° да 0,4 м³/с самарадорликка эришилади.



2-расм. Қурилма унумдорлигининг (Q) ва аралаштириш интенсивлигининг (K) валнинг – қурилма шнекининг айланиш сонига (а) ва аралаштириш интенсивлигига (K), тўлдирма даражасига (φ), барабан диаметрига (d) (б), тўғри (μ₁) ва тескари (μ₂) силжитадиган (в) парракларнинг қиялик бурчагига боғлиқлиги

Шунингдек аралаштириш интенсивлиги (K) тўлдириш (φ) ва самарадорлик (Q) даражасининг барабан узунлигига (L) боғлиқлиги бўйича ҳам тадқиқот ўтказилди.

Экспериментал тадқиқотлар натижалари барабаннинг диаметрини 150-200 мм, олд парракларнинг қадами S₁=85 мм, тескари силжитадиган парракларнинг қадами S₂=65 мм, барабан узунлиги L=2200 мм, интенсив аралаштириш коэффициенти K=60-65%, самарадорлик Q=0,4 м³/соат қилиб қабул қилинди. Барабан геометрик параметрларининг: барабаннинг узунлигига, аралаштириш қурилмасининг тўғри ва тескари силжийдиган парракларнинг қадамига, маҳсулдорлигига боғлиқлиги экспериментал тарзда тадқиқот қилинди.


Иккинчи бобни умумлаштирган ҳолда, назарий ва экспериментал тадқиқотлар орқали аналитик усул билан аниқланган параметрлар экспериментал параметрлардан тахминан 5% фарқ қилишини аниқланганлигини, ва бу оддий аниқлик синф учун конструкцияларни яратишда мақбул эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Диссертациянинг «**Машинасозлик мақсадлардаги гомоген композицион полимер материаллар олиш учун маҳаллий хомашё асосида сочилувчан кукунли полимер ва сочилувчан органоминарал**

ингредиентларни аралаштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва қурилмасини яратиш асослари» деб номланган учинчи бобида асосий омилларни аниқлаш, танланган схема асосида оригинал узлуксиз қурилмани ишлаб чиқариш ва яратиш, полимер материаллар ва органоминарал тўлдирувчиларни аралаштириш орқали, муҳандислик мақсадлари учун юқори физикавий, механикавий ва триботехник хусусиятларга эга бўлган антифрикцион-ейилишга бардошли материалларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кукунли гомоген композицияларни ишлаб чиқариш учун яратилган модулли тўхтамасдан ишлайдиган қурилмани ишга тушириш ва унинг ишлаш тамойилини аниқлаш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Юқоридаги назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида сочилувчан полимерлар ва органоминарал тўлдирма моддаларини аралаштириш учун узлуксиз аралаштириш учун конструкцияси ишлаб чиқилди ва аралаштириш қурилмасининг яратилди.

3-расмда гомоген сочилувчан композит материаллар олиш учун сочилувчан полимер материаллар ва органоминарал тўлдирма моддаларини аралаштириш қурилмасининг схемаси кўрсатилган.



1-рама, 2-барабан, 3-шнек, 4-бункер қопқоғи, 5-секцияли бункер, 6-таксимлагич, 7-барабан қопқоғи, 8,9-кронштейнлар, 10-муфта, 11-редуктор, 12-электр двигател, 13,14-шківлар, 15-тўқимачилик материалидан тайёрланган тасма

3-расм. Гомоген композицион материалларни олиш учун сочилувчан органоминарал полимер материалларини ва тўлдирма моддаларини аралаштириш учун модулли қурилма шакли

Яратилган қурилма «КВ-КОМПОЗИТ» МЧЖ конструкторлик бюросининг тажриба-ишлаб чиқариш базасида ўрнатилди, синовдан ўтказилди ва тажрибавий гомоген композициялар намуналари олинди.

Диссертациянинг «Машинасозлик мақсадлари учун гомоген таркибли композиция ва антифрикцион-ейилишга бардошли композицион полимер материалларини олиш учун маҳаллий хомашёлар асосида сочилувчан полимер материаллар ва сочилувчан органоминарал

тўлдирувчиларни аралаштириш жараёни учун экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва оптимал технологик режимларни аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот объектлари танлови, кукунли полиэтилен, полипропилен ва сочилувчан органоминарал ингредиентлардан иборат бўлган АПЭК-1; АПЭК-2; АППК-1; АППК-2; АИПЭК-1; АИПЭК-2; АИППК-1, шунингдек АИЭД-16 эпоксид композиция, узлуксиз аралаштириш курилмасида янги технология асосида олинган сочилувчан полимер материалларни органоминарал тўлдирувчилар билан аралаштириш жараёнини экспериментал тадқиқотлар натижалари, шунингдек композицияларнинг оптимал гомоген таркибини олиш мақсадида технологик кўрсаткичларнинг хусусиятлари ва самарадорлиги, пахта хом ашёси билан узвий алоқада ишлайдиган композицион полимер материалларининг физика-механикавий ва триботехник хусусиятларини олиш ва ўрганиш технологиясининг ишланмаси акс эттирилган.

Намлиги 8-10% ва ўт босиши 1,0-3,0% бўлган, қўлда йиғиб олинган биринчи навли, пахтани қарши восита сифатида танлаб олинди.

Лаборатория шароитларида, белгиланган оптимал режимда танлаб олинган композит материалларнинг барча маркалари - АПЭ-1, АПЭ-2, АППК-1, АППК-2, АИПЭК-1, АИПЭК-2, АИППК-1, АИППК-2 ва АИЭД-16 бўйича сочилувчан полимер материаллар ва органиоминарал тўлдирувчиларни аралаштириш амалга оширилди.

Маълумки, полимер материаллар хусусиятларининг шаклланишига уларнинг реологик хусусиятлари таъсир қилиб, бу ҳосил бўлган композит материални тузилиши учун мақбул шароитларни таъминлайди. Шу муносабат билан биз танланган композицион полиэтилен ва полипропилен материалларнинг реологик хусусиятларини ўрганиб чиқдик. 1-жадвалда композицияларнинг ўрганилган реологик хусусиятлари натижалари кўрсатилган.

1-жадвал

Полиэтилен ва полипропилен композицияларнинг эриш индекси

Эритиш индекси, г / 10 мин				
Юқори зичликдаги полиэтилен асосли композициялар	АЭПК-1	АПЭК-2	АИПЭК-1	АИПЭ-2
	3,0-4,5/ 3,8-5,4	3,0-4,5/ 3,9-5,6	3,5-4,8/ 4,5-5,4	3,5-4,1/ 3,9-4,8
Полипропилен асосли композициялар	АППК-1	АППК-2	АИППК-1	АИППК-2
	3,8-5,1/ 4,2-6,2	3,8-5,1/ 4,2-6,4	5,2-6,3/ 6,2-7,4	5,2-6,3/ 6,3-7,4

1-жадвалдан кўришиб турибдики, композицияни таркибий қисмларини доимий равишда аралаштириш орқали олинган антифрикцион ва антифрикцион-эскиришга бардошли полиэтилен ва полипропилен композит материалларининг эритма индекслари одатдаги усулда олинган композицияларнинг кўрсаткичларига қараганда бироз юқори.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, полимер композицион аралашмаларнинг материаллари ва маҳсулотларининг хусусиятлари ҳарорат

омилларига, айниқса босим остида қуйиш режимларига, синов намуналари ва уларга асосланган машина деталларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш технологик жараёнига боғлиқ.

Бизнинг композицион полимер материалларидан намуналар ва қисмларни олиш учун профессор Н.С.Абед томонидан аниқланган композициялар ва технологик режимларга таяндик. Шу билан бир вақтнинг ўзида, яратилаётган доимий аралаштириш қурилмасида таркибий қисмларни реверсив аралаштириш орқали олинган композицион полимер материаллари бўйича бизнинг тахминимизни қайта ишлаш учун маълум бир мақбул ҳарорат ва технологик режимлар бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказдик ва яратилган композицион материаллардан намуналар ва деталларни олиш учун уларнинг мақбул ҳарорат режимлари аниқланди.

2-жадвал

Анъанавий усулда тўлдирилган композицион полимер материалларидан (сурат) ва органоминерал ингредиентлар билан таклиф қилинган усулда (махраж) деталлар намуналарини тайёрлаш бўйича тавсия этиладиган технологик усуллар

Композицион материал	Қуйма босими, МПа	Қуйманинг ҳарорати, К	Қолипнинг ҳарорати, К	Деталларни қолипда ушлаб туриш вақти, с
АППК-1	120-125/110-115	493-513/473-493	323-353	20-60
АППК-2	125-130/115-120	503-523/473-493	323-353	20-60
АПЭК-1	90-100/80-90	453-463/ 443-453	333-343	20-60
АПЭК-2	90-100/80-90	453-463/ 443-453	333-353	10-30
АИППК-1	130-135/120-125	513-523/503-513	323-353	20-60
АИППК-2	135-140/125-130	513-533/503-513	333-343	20-60
АИПЭК-1	100-120/90-110	483-503/473-483	333-353	10-30
АИПЭК-2	100-120/90-110	483-503/473-483	333-343	10-30

2-жадвалда анъанавий усулда аралашган композициялар ва технологик параметрларнинг таъсирини ўрганиш натижалари бўйича аниқланган, узлуксиз ишлаб турадигани ускунада таклиф қилинадиган янги усул асосида юқори зичликдаги полипропилен ва полиэтилен ва органоминерал тўлдирма моддаларидан антифрикцион ва антифрикцион-эскиришга бардошли композицион полимер материаллардан намуналар тайёрлаш учун тавсия этилган технологик режимлар, ҳамда уларнинг физика-механикавий ва триботехник хусусиятларига таъсир ўтказиш тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Кейинги экспериментал тадқиқотларни ўтказиш учун биз 2-жадвалда кўрсатилган композицион полимер материалларидан тайёрланган буюмлар, шу жумладан пахта тозалаш саноати машиналари ва механизмларининг ишчи органларининг халқа деталларини тайёрлаш бўйича технологик режимларини қўлладик.

Диссертациянинг «Анъанавий усул ва таклиф этилаётган технология асосида ишқаланишга-ейилишга бардошли, тебраниш-товуш ютувчи ҳамда коррозиябардош композицион полимер материаллар ва

қопламаларнинг физик-механик хусусиятларини ўрганиш» деб номланган бешинчи бобида сочилуван полимер боғловчи ва органоминерал ингредентларни оддий усулда ва реверсив аралаштириш йўли билан олинган, танлаб олинган композицион полимер материалларнинг комплексли физика-механикавий, ишқаланишга-ейилишга бардошли, тебраниш-товуш ютувчи ҳамда коррозияга қаршилиқ хусусиятларини ўрганиб чиқдик.

3-жадвалда таклиф қилинган аралаштириш усули бўйича олинган полипропилен ва органоминерал тўлдирма моддаларига асосланган анъанавий усулда олинган полимер материалларнинг физика-механикавий ва триботехник хусусиятлари бўйича тадқиқотлар натижалари кўрсатилган. Ҳар хил агрессив муҳитда ишлайдиган коррозиябардош композицияларнинг асосий физик-механик хусусиятлари 4-жадвалда, 5-жадвалда эса анъанавий усулда олинган тебранишни ютувчи композицион полимер материалларининг ютилиш самарадорлиги ва таклиф этилаётган аралаштириш усулида олинган композицион полимер материалларининг физик-механик хусусиятлари кўрсатилган.

3-жадвал

Мавжуд (сурат) ва яратилган қурилмада (махраж) аралаштириш асосида олинган полипропилен композицияларининг физика-механикавий хусусиятлари (АИППК)

Кўрсаткичлар	Композицион полимер материаллар			
	АППК-1	АППК-2	АИППК-1	АИППК-2
Букилганда бузувчи кучланиши, МПа	87,3/104,76	90,1/108,12	98,4/118,08	93,3/111,96
Зарбали ковушқоқлик, кДж/м ²	93,1/111,72	97,3/116,76	107,5/129	103,7/124,44
Бринелл бўйича қаттиқлиги, Мпа	77,2/92,64	80,3/96,36	77,1/92,52	,8/88,56
Букилганда таранглик модули, ГПа	1,65/1,98	1,85/2,22	2,0/2,4	1,7/2,04
Ишқаланиш коэффициенти, f	0,26/0,20	0,27/0,21	0,28/0,22	0,29/0,24
Эскириш интенсивлиги, I · 10 ¹⁰	3,23/2,876	3,12/2,744	2,6/2,12	2,83/2,36
Ишқаланиш зонасидаги ҳарорат, К	319/308	306/302	308/304	311/308
Статик электр зарядининг катталиги, Q · 10 ⁻⁷ , Кл	19,1/18,92	17,3/16,76	12,3/10,76	17,4/15,88
Машиналарда қўллаш учун тавсиялар	РБД, РП	РБД, РП, ОБТ	РБД, РП, ОБТ	РБД, РП, ОБТ

Эслатма. I и f қийматлари $P = 0,02$ МПа, $V = 2,0$ м/с; эскириш интенсивлиги ўлчовсиз катталик ҳисобланади.

4-жадвал

Мавжуд (сурат) ва яратилган қурилмада (махраж) аралаштириш асосида олинган композицион полимер материалларнинг вибродемпфрлаш ва физик-механик хоссалари

Асосий хоссалари	Материал номи			
	ВУ-КПМ-1	ВУ-КПМ -2	ВУ-КПМ -3	ВУ-КПМ -4
Вибродемпфрлаш самарадорлиги ($\delta \cdot E'$), 293 К да МПа	820/845	760/785	740/760	860/875
Зарбага қарши мустаҳкамлик, Н·м	4,5/5,1	4,3/4,6	4,2/4,3	4,5/4,5

Узиб олишда (СтЗ тўшама) адгезион мустаҳкамлик, МПа	24/26	15/17	23/25	20/21
Зичлик, кг/м ³ , ... дан ошмайди	1290/1310	1210/1240	1290/1305	1180/1205
Микроқаттиқлик, МПа	132/138	110/115	140/145	75/80
Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, Вт/м К	0,22/0,24	0,23/0,25	0,22/0,24	0,18/0,19

5-жадвал

ЭД-20 олигомери ва бошқа ингредиентлар асосидаги мавжуд (сурат) ва яратилган қурилмада (махраж) аралаштириш асосида олинган антикоррозион композицияларнинг асосий физик, кимёвий ва механик хусусиятлари

№	Хусусияти	Кўрсаткич
1.	Мослашувчан модул $E_{из}$, МПа	3000/3120
2.	Мослашувчанлик кучи, $\sigma_{из}$, МПа	6,7/7,2
3.	Викнинг иссиқликка чидамлилиги, К	355/358
4.	Диелектрик доимийлиги, ϵ	6,8/7,1
5.	Махсус волиметрик электр қаршилиги R, 10^{14} Ом·см	31,8
6.	Махсус волиметрик электр қаршилиги Q, 10^{14} Ом·см	17/17,8
7.	Адгезион мустаҳкамлик, $\sigma_{ад}$, МПа	16/17,2
8.	Микро қаттиқлик, $\sigma_{н}$, МПа	74/82
9.	Солиштирма қаршилик, Нм, МПа	3,8/4,2
10	Кимёвий қаршилик коэффициенти 30 кундан кейин: 50% ОН СООН 40% HNO ₃ 25% HCL 40% H ₂ SO ₄ Сувда	0,68/77 0,71/82 0,74/85 0,78/87 0,76/86

3, 4 ва 5-жадваллардан кўриниб турибдики, ишлаб чиқилган технологияга биноан сочилувчан полимерлар ва тўлдирувчи моддаларни чуқур аралаштириш ҳисобига, олинган композицион полимер материалларнинг физика-механикавий, триботехник, ишқаланишга-ейилишга бардошли, тебраниш-товуш ютувчи ҳамда коррозиябардошлилик кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди. Бу тўлдирувчи моддалари ва боғловчи орасидаги ишқаланиш кучлари туфайли тўлдирма моддаларининг зарралари ва полимернинг сиртки тузилмалари ўртасида кучли ўзаро таъсир пайдо бўлиши билан изоҳланади. Шнекли ишчи органнинг тезлигини ошириш орқали аралашма компонентларини интенсив равишда аралаштириш композицияни тўлдирувчи тешикларига тарқалишини яхшилади ва шу билан адсорбция қатламининг чуқурлиги ошади ва композициянинг реологик хусусиятлари яхшиланади. Ушбу жараёнларнинг барчаси композицион

полимер материаллар ва улардан ясалган буюмларнинг физик-механик, триботехник, ишқаланишга-ейилишга бардошли, тебраниш-товуш ютувчи ҳамда коррозиябардошлилик хусусиятларининг ошишига олиб келади.

Диссертациянинг «**Машинасозлик учун композицион полимер материаллар, қопламалар ва деталлар олиш учун маҳаллий хом ашёлардан, сочилувчан кукунсимон ва ёпишқоқ оқувчан полимерлар ва органоминерал тўлдирувчи моддаларини аралаштириш учун ишлаб чиқилган технология ҳамда қурилманинг амалий ва иқтисодий жиҳатлари**» деб номланган олтинчи бобида яратилган узлуксиз ишловчи модулли қурилманинг тажрибавий-ишлаб чиқариш синовлари, кукунли полимер материаллари ва органоминерал тўлдирувчилар асосида гомоген сочилувчан композицияларни аралаштириш ва олиш технологиясини ўзлаштириш, антифрикцион-ейилишга бардошли композит материаллар ва машиналарнинг қозикчали деталларини ишлаб чиқариш технологияси ва уларнинг тажрибавий ишлаб чиқариш синовлари натижалари берилган.

Норматив техник ҳужжатлар ишланмалари ва пахта тозалаш заводи шароитларида машина ва механизмларда уларни қўллашдан олинган техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш натижалари келтирилган.




Ишқаланиш-ейилишга бардошли композицион полимер материалларини олиш ва пахтани қайта ишлаш ускуналари ва улардан механизмлар учун айланма қисмларнинг прототипларини ишлаб чиқариш яхшиланган ишлаб чиқариш линиясида биз яратган узлуксиз аралаштириш қурилмасини ўз ичига олган ҳолда амалга оширилди.

Такмиллаштирилган технологик линиянинг оптимал технологик режимларини ҳисобга олган ҳолда, яратилган композицион полимер материаллардан машиналарнинг ҳалқа деталлари тайёрланди.

